

## **Шаҳарсозликда табиат ёдгорликларини асраш бўйича ландшафт архитектураси назарияси**

*Нурмурадова Ю.Б. ўқитувчи, 204-Арх. Жўрақулова З.А. Сам ДАҚИ*

### **Аннотация**

*Мақоланинг асосий мақсади- табиий ландшафтлардан фойдаланиш, ўзгартириш ва максимал равишда асраш масалалари ҳақида. Архитектуравий-ландшафт масалаларини тизимлаштириш, уларнинг иерархиясини аниқлаш, ва ушбу масалаларни ечиш тамойиллари ва услубларини аниқлаш учун объектларнинг илмий асосланган типологиясига эга бўлиши муҳимлиги. Кўкаламзорларнинг санитар-гигиеник, эстетик, рекреацион ролига эътибор қаратилган.*

*Основная цель статьи - использование, изменение и максимальное хранение природных ландшафтов. Важность наличия типологии на основе науки объектов для определения принципов и методов решения проблем архитектуры и ландшафта, их иерархии. Он фокусируется на санитарно-гигиенических, эстетических, рекреационных аспектах оазиса.*

*The main purpose of the article is the use, modification and maximum storage of natural landscapes. The importance of having a typology based on the science of objects for determining the principles and methods for solving problems of architecture and landscape, their hierarchy. It focuses on the sanitary, aesthetic, recreational aspects of the oasis.*

Табиатни асраш масаласи бўйича, ландшафт архитектураси назариясида атроф-муҳитни ўзгартиришни бошқариш асосларини ишлаб чиқиш энг долзарб ҳисобланади. Жамият нафақат ноёб табиат ёдгорликлари ва боғ-парк санъатини авайлаб-асраши, балки уларни ривожлантириш масалалари билан ҳам шуғулланиши лозим. Табиатни асраш тамойиллари ҳар бир архитектуравий-ландшафт объектларини шакллантиришнинг асосида туриши лозим. Бу тамойиллар ландшафтни лойиҳалашда мавжуд табиий ҳолатни асраш ва яхшилашда, дастур бўйича фойдаланиш жараёнида архитектуравий-ландшафт объектини мукаммаллаштиришда, ҳамда “объект-

муҳит” тўғри ва тескари динамика имкониятларини ҳисобга олишда ва умумий табиий-антропоген ҳолатларни ўзгартиришда намоён бўлади.

Шундай қилиб, асосий мақсад- табиий ландшафтлардан фойдаланиш, ўзгартириш ва максимал равишда асраш масалалари бобда келишув (компромисс)ни топишдан иборат. Буни туристик рекреацион фаолиятнинг ривожланиши энгил тасдиқлайди. Масалан, 70-80 йилларда айнан рекреацион бонг шаҳардан ташқаридаги дам олиш жойларида ландшафтни ҳаддан ташқари фойдаланишидан асраш мақсадида табиий бойликни баҳолаш ва лойиҳалашнинг янги услубларини талаб қилди. 90-нчи йилларда дала ҳовлиларининг қурилиши кўпайиши шаҳарга яқин жойлашган ноёб ландшафтларни асраш муаммосини келтириб чиқди. Архитектуравий-ландшафт масалаларини тизимлаштириш, уларнинг иерархиясини аниқлаш, ўзаро келишув ва ушбу масалаларни ечиш тамойиллари ва услубларини аниқлаш учун объектларнинг илмий асосланган типологиясига эга бўлиш муҳимдир. Типология-бу нафақат қандайдир объектларни синфларга бўлиш, балки илмий англаш услуги, объектлар ривожланиши қонуниятларини ўрганиш, уларнинг янги турларини пайдо бўлиши ҳамдир. Ташкиллаштирилган фазовий архитектуравий-ландшафтнинг алоҳида элементларини ажратиш, биз бино ва иншоотлар архитектураси, шаҳар ва қишлоқлар, дам олиш зоналари, парклар ва бошқалар ҳақида гапира оламиз. Аммо ҳар қандай архитектура объектини кўриб чиқаётганда ҳам, уни яратиш ва фойдаланишнинг табиий башоратларидан (ижтимоий-иқтисодий омиллар орқали ёки тўғридан-тўғри) ажратиш бўлмайди. Ландшафт муҳити ҳақида яхлит архитектуравий объект-антропоген муҳит ва кам ўзгартирилган табиий ландшафт каби қараш, ландшафт типологиясида янгилик ҳисобланади. Натижада биз типология бўйича қандай объектлар (парклар, ўрмон парклари ва бошқалар) кераклигини эмас, балки ландшафт архитектураси ва ландшафт лойиҳалаш объектлари ҳисобланган яхлит очиқ муҳитлар концепциясини кўриб чиқамиз. Замонавий тизимли-экологик нуқтаи назардан муҳитнинг бирон-бир элементи, ҳаттоки аниқ муддат мобайнида

ландшафт объекти ҳисобланмагани ҳам архитекторнинг касбий фаолиятида эътибордан четда қолмаслиги лозим. Келажакда бу элементлар объект бўлиб хизмат қилиши эҳтимоли борлиги ва яхлит тизимга таъсир этиши мумкинлиги учун ҳам улар эътиборсиз қолдирилмайди. Типологиянинг асосини, умумий қараганда, фақат архитектуравий ландшафтни территориал зоналаштириш ташкил этадигандай кўринсада, амалиётда у етакчи ҳисобланмайди. Битта территория (масалан, республика территорияси) архитектуравий-ландшафт масалалари иқтисодий шаҳарсозлик, композицион ва бошқа кўплаб масалалар билан боғлиқ ҳолда туманни комплекс режалаштириш объекти ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида-агарда республиканинг алоҳида кўриқланадиган ландшафтлари схемаси, ёки республиканинг дам олиш ва туризм схемалари ишлаб чиқилса, махсус архитектуравий-ландшафт лойиҳалашнинг объекти бўлиши мумкин. Шу нарсани биз мураккаб ижтимоий-фазовий ва ландшафт тизими ҳисобланган шаҳар ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Биз унинг аниқ тизимларидан бири, масалан, сувли яшил зонасини ажратганда уни жуда чуқур ўрганиб, мустақил объект сифатида лойиҳалаймиз. Объектларнинг типологияси ва архитектуравий-ландшафт масалаларини тизимлаш учун гуруҳларнинг икки даражасини ажратиш лозим: 1) ландшафт архитектори фақатгина ҳаммуаллиф бўлган, ландшафт масалалари иқтисодий, ижтимоий, режавий ва кўплаб бошқа масалалар билан бир қаторда турган архитектура ва шаҳарсозлик объектлари гуруҳи; 2) ландшафт архитектори мутахассислар жамоасида берилган объект ечимининг дастур ва услубларини аниқловчи етакчи вазифада бўлади, бу гуруҳ объектларида ландшафт масалалари бирламчи ҳисобланади. Биринчи гуруҳ объектларига- муҳит элементи сифатида туманни режалаштириш лойиҳаларининг комплекс ва соҳавий схемалари ишлаб чиқиладиган давлат, республика, туманлар территориялари; бош режа ва батафсил режавий лойиҳалари тузилаётган аҳоли жойлари, фуқаролик ва шаҳарсозлик комплекслари мансубдир. Иккинчи гуруҳга тегишли объектларнинг умумий шаҳарсозлик таркибига

мансуб архитектуравий- ландшафт масалаларини куйидагича изохлаш мумкин:

-халқ хўжалиги комплекси ва ландшафт муҳитининг ўзаро таъсири муаммоларини ечиш;

-муҳитнинг турли функциявий объектлар жойлашувига муносабатини аниқлаш;

-ландшафтни батафсил лойиҳалаш ва зоналарга бўлиш;

-ландшафтларнинг режавий фаолият давомида ўзгаришлари натижаларини башорат қилиш;

-экология, муҳитни асраш ва гигиеник ҳамда эстетик сифатини яхшилаш талабларидан келиб чиқиб, муҳитни архитектуравий-ландшафт ташкиллаштириш; ландшафт ва қурилмалар ўзаро алоқасининг уйғунлиги.

Архитектуравий-ландшафт фаолиятига хос объектлар анча ривожланган типологияга эга. Ташкил этиладиган объектларнинг ландшафт вазифалари турларга бўлингани каби, улар билан ишлаш босқичлари ҳам (дастурни ишлаб чиқариш, лойиҳа олди тадқиқотлари, лойиҳалаш, лойиҳани амалга ошириш, фойдаланишга топширгандан кейинги назорат) турларга бўлинади. Ландшафт архитектурасида етакчи услублардан бири бутун архитектуравий ижодиётда самарали бўлган тизимли-ландшафт ёндашуви ҳисобланади. Бу услубнинг маъноси бутун объектни эмас, балки инсон фаолияти натижасида ва табиат қонунлари асосида доимий ўзгарувчи архитектуравий-ландшафт муҳитининг лавҳалари (тизим ости)ни лойиҳалаш, қуриш ва қурилганини назорат қилишдан иборат. Регионлар ва йирик шаҳарсозлик тузилмаларида тизимли –ландшафт услуби аллақачон фаол фойдаланиляпти. Аммо қурилмалар комплексини яратишда, айниқса алоҳида иншоотлар, ҳатто баъзида боғ-парк объектларда унинг аҳамиятига ҳали етарли ўрин ажратилмаяпти. Ландшафт лойиҳалашнинг экологик услуби ландшафт компонентлари- рельеф, ҳовузлар, оқовалар, ўсимликлар ва бошқалар орасидаги устувор муносабатларни аниқлаш ва табиий жараёнлар динамикасига муносиб яшаш муҳити лавҳаларини лойиҳалаш вазифасини

бажаради. Архитекторлар доимий ўзгарувчан табиий материаллардан фойдаланиб, очик муҳитларни ташкиллаштиришади. Архитектор ҳар томонлама эгаллаган билимларига асосланиб, ўзининг ижодида ландшафт ҳолатини излаётганда унинг яхши сифатларини кўрсата олганидагина, инсон ва ландшафтнинг уйғунлигига эришиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, замонавий ландшафт архитектураси бир томондан этногенез (миллий илдизлар) ва анъанавий маданиятни асраш ва ривожлантиришга йўналтирилган умумдавлат муҳитини ташкиллаштиришининг махсус шакли бўлса, бошқа томондан-микрорайон, маҳалла, аҳоли пункти даражасидаги инсон яшаши конкрет (аниқ) муҳитининг лойиҳалаш воситасидир. Ўтган тарихий даврларда бебаҳо боғ-парк санъати ёдгорликларининг “буюртмачиси” ва кейин эгалари бадавлат хонадон соҳиблари бўлган. Замонавий шароитларда боғ-парк ансамблининг “буюртмачиси” ва эгаси ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслардир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. **Белочкина Ю.** Ландшафтный дизайн. ”Фолио”, Харьков, 2006.
2. **Рахимов К.Д.** Ландшафт архитектураси. Дарслик, Тошкент, 2018.
3. **Верзилин Н.** По садам и паркам мира. М.:Учпедгиз, 1956.